Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 14 июль ● сешанба ● № 30 (647) ● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz

Адлия муассасалари фаолияти

ҚИЗИЛТЕПА тумани электр тармоқлари корхонаси, ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди ва «Қизилтепатумангаз» филиалида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларига амал қилиниши ва шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга оид амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг аҳволи ўрганилганда муддати ўтган дебиторлик қарзларни ундириш чоралари кўрилмаганлиги аниқланди.

// Адлия аралашгач...

Шартнома шунчаки қоғоз эмас

Уни бажармаган қонун олдида жавоб беради

ХУСУСАН, ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядининг тузилган шартномаларга мувофиқ бажарилган хизматлардан юзага келган дебиторлик қарзи 11258,3 минг сўмни ташкил этади. Шундан отряднинг фермер хўжаликларига ўсимликларнинг биологик ва кимёвий воситаларини етказиб бериш юзасидан тузган шарномалари бажарилишидан вужудга келган ва муддати ўтган дебиторлик қарзи 1.305.000 сўмдан иборат бўлиб, уни ундириш чоралари кўрилмаган.

Шунингдек, электр тармоқлари корхонасининг тумандаги ташкилотлар олдида 1.892. 909. 240 сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарзлари ҳам ташкилот раҳбарлари томонидан ундирилмасдан пайсалга солинган. Бундай ҳолатни туман газ филиали фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

Кўриниб турибдики, тилга олинган ташкилотларнинг мансабдор шахслари Президентимизнинг 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сонли Фармони, МЖтКнинг 175-моддаси, 3-қисми талабларини қўпол равишда бузганлар.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан аниқланган камчиликлар ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларга маъмурий жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан туман давлат солиқ инспекциясига киритилган таклиф жавобсиз қолмади.

Шартномани шунчаки қоғоз деб ўйлаган, уни хўжакўрсинга чала-ярим тўлдириб, унинг ижросини эса унутган мансабдорларнинг миси чиқди. Туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди бошлиғи С.Зайниев ва бош ҳисобчи А.Асадовларга, "Қизилтепа туман газ" филиали бошлиғи З.Бобомуродов ҳамда бош ҳисобчи М.Турсуновларга нисбатан МЖтКнинг 175-моддаси, 3-қисми билан ҳар бирига 280 400 сўм миқдорида маъмурий жарима жазоси қўлланилди.

Электр тармоқлари корхонаси мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 205-моддаси, 1-қисми ва 209-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган, ҳозирда прокуратура томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Баҳодир ҚАРШИЕВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

// Суд-экспертиза тадқиқотлари

ДНК экспертизаси янги босқичда

ҚОНУНИЙЛИКНИ, холисона тергов ва одил судловни таъминлаш ҳуқуқ-тартибот идораларининг энг муҳим вазифаси. Бу масалани ҳал этишда махсус билимларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига татбиқ этишнинг асосий процессуал институти бўлган суд-экспертизанинг ўрни алоҳида.

РЕСПУБЛИКАДА етакчи суд-экспертиза муассасаси ҳисобланган Адлия вазирлиги қошидаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза марказида криминалистика ва суд-экспертиза соҳасидаги илғор ютуқлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган. Экспертизанинг янги турларини ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш борасида тинмай изланишлар олиб борилмоқда.

2000 йилда марказда марказий Осий минтақасида биринчи бўлиб молекуляр генетика фанининг охирги ютуқларига асосланган суд экспертизасининг янги тури бўлган — "Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси" лабораторияси ташкил этилиши бунга мисолдир.

4 ▶

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда

БЎЗ ТУМАНИ прокуратураси томонидан И.Мирзакомиловнинг ўзи раҳбарлик қилаётган "Мирзакомил Султонов" фермер хўжалиги бошқа фермер хўжалигига қўшиб берилганлигидан норози бўлиб ёзган аризаси кўриб чиқилди.

"Ю.Шодмонов" массивининг 8-лойиҳасида "Мирзакомил Султонов", "Саодат ая" ва "Ўғилхон" фермер хўжаликларига қатнашиб, лойиҳада "Саодат ая" фермер хўжалигини ер майдони муқобиллаштирилганлиги ҳолати ўрганилиб, "Мирзакомил Султонов" фермер хўжалигини 4 дона қишлоқ хўжалиги тракторлари бўлиб, танлов ғолиби деб топилган "Саодат ая" фермер хўжалигини ҳам 2 дона қишлоқ хўжалиги тракторлари мавжудлиги аниқланган.

Бундан ташқари, туман прокуратураси томонидан туман ҳокимлигининг ишчи гуруҳи комиссияси мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми "в" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган ва жиноят иши суд муҳокамасига юборилган ҳамда туман ҳокими Ғ.Исомиддинов ва 23 нафар ишчи гуруҳ комиссияси аъзоларига тегишли қисми жиноят ишидан алоҳида ажратиб олиниб, мазкур жиноят иши юзасидан ҳозирда вилоят прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

М.АБДУВАЛИЕВ,
Бўз тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси

ШЎРЧИ тумани прокуратураси томонидан фуқаро Г.Холхаджаеванинг туман ҳокимининг қарори асосида "Азвест-экспресс" қўшма корхонасининг қурилиши тугалланмаган омборхона биноси "Сирена-Рубин" хусусий фирмаси тасарруфига ноқонуний ўтказилганлиги хусусидаги аризаси кўриб чиқилди.

Протест келтирилди

АНИҚЛАНИШИЧА, Шўрчи тумани ҳокимининг 2005 йил 12 июлдаги 310-сонли қарори билан тумандаги "Азвест-экспресс" қўшма корхонасига тегишли бўлган қурилиши тугалланмаган омборхона биноси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 11 августдаги **"Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг самарали ташкил этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги 402-сонли қарори талабларига зид равишда "Сирена-Рубин" хусусий фирмаси тасарруфига ўтказилган.

Туман ҳокимининг ушбу ноқонуний қарорини бекор қилиш ҳақида туман прокурори томонидан протест келтирилди.

А.НИЯЗОВ,
Сурхондарё вилояти прокуруринг ўринбосари

Шикоят беришга ҳақли

ФУҚАРОЛИК ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди томонидан фуқаро С.Худойшукуровнинг шикояти ўрганиб чиқилди.

АНИҚЛАНИШИЧА, С.Худойшукуров Боёвут тумани ижтимоий таъминот бўлимига нисбатан етказилган маънавий зарарни ундиришни сўраб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг 2007 йил 10 апреллдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, маънавий зарар суммаси ундириб берилган.

Суднинг мазкур ҳал қилув қарори фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти суди апелляция инстанциясининг 2007 йил 7 июндаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган.

Даъвогар С.Худойшукуровга суднинг ушбу қарорларига нисбатан ФПКнинг 350-моддаси талаби асосида назорат тартибида шикоят беришга ҳақли эканлиги тушунтирилди.

Х.МУЛЛАЖОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг раиси

Тизим тадбирлари

Хавфсизлик ва барқарорлик

ШУ ЗАМИНДА яшар экан, ҳар бир инсон она сайёрамизнинг тинчлиги ёки унинг қай бир нуқтасидаги нотинчлигидан буткул ташқарида бўлолмайди. Шу боис хавфсизлик, барқарорлик дунё ва инсониятнинг ҳаёт гарови, ер юзида бехавотир яшаши, уни гўзаллаштиришнинг энг бирламчи шартидир.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА **"Ўзбекистон хавфсизлиги масалалари: ҳуқуқий асослар ва барқарорлик"** мавзуида учрашув-мулоқот ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ахтам Турсунов миллий, минтақавий, глобал хавфсизлик масалаларининг энг муҳим, долзарб жиҳатлари, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашнинг амалдаги ҳуқуқий асослари хусусида батафсил сўзлаб берди. Бугунги кунда дунё хавфсизлигига таҳдид солаётган халқаро тероризм, наркобизнес, қуроллар ноқонуний айланишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, бу нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг оқилона позицияси ҳақида фикр-мулоҳаза юритди. Президентимизнинг бир қатор халқаро анжуманларда билдирган муҳим ташаббуслари, дунё аҳамиятига молик бу ташаббусларнинг нақадар ҳаётий ва долзарблиги, ҳозирда жаҳон сиёсий майдонида моҳиятан катта эътироф этилаётганини таъкидлади.

Шунингдек, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ШҲТнинг Екатеринбург ва КХШТнинг Москва шаҳрида жорий йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган йиғилишларидаги маърузалари хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Учрашув-мулоқот мавзуга оид қизғин саволжавоблар тарзида ўтди.

Дилором МАТКАРИМОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ёшлар билан учрашув

Ислоҳотлар инсонга хизмат қилади

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ва унинг бошқармалари ташаббуси билан жойларда олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишлари тобора кенг кўлам касб этмоқда. Бундай тадбирларга республикамизнинг чекка қишлоқларида истиқомат қилаётган аҳоли, айниқса, ёшлар жалб этилаётганлиги янада ижобий самаралар бераётир.

ЯҚИНДА Наманган вилоятининг Норин туманидаги Хўжаобод саноат сервис касб-ҳунар коллежи ҳамда 35-умумтаълим мактабида **"Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти"** мавзуида учрашув бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Норин тумани ҳокимлиги, суд-ҳуқуқ тизими идоралари, "Камолот" ЁИҲ вакиллари, туман имом-хатиби, ҚФЙ фаоллари ва ёшлар иштирок этдилар.

Ушбу тадбирда республикамизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, бу муҳим жараёнлар инсон манфаати, жамиятимиз равнақига хизмат қилаётганлиги ҳақида сўз борди. Вилоят адлия бошқармаси, жиноят ишлари бўйича Норин тумани суди, туман прокурори ёрдамчиси, ИИБ бўлими, туман имом хатиби ва бошқа сўзга чиққанлар мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлиги, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, шунингдек, адвокатура институти такомиллаштирилишининг ўзига хос хусусиятлари хусусида атрофлича фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Абдуҳошим МАДАТОВ

МФЙларда давра суҳбатлари

2008 ЙИЛ 17 АПРЕЛДА қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун, мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида одам савдоси жиноятчилигига қарши кураш ва унга тўсиқ қўйишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган бўлиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

ЖИЗЗАХ шаҳрининг "Маданият", "Бобир" маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтган давра суҳбатларида ана шулар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда ушбу мудҳиш иллатга қарши кураш ва унинг олдини олишда мутасадди идоралар ва жамоатчилик ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий билим савиясини ошириш, меҳнат ярмаркаларини ташкил этиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ҳамда касаначиликни ривожлантириш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Набижон МАҲМУДОВ,
Жиззах шаҳар Давлат нотариал идораси катта нотариуси

Таъмагирлар ўзган адбирлар 2 ▶

Отаси бор отасизлар 3 ▶

Болаликнинг заволи — келажакнинг уволи урмасин 4 ▶

Мазкур саҳифа Адлия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари юзасидан ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган Меморандум бўйича Тошкент вилояти прокуратураси органлари фаолияти асосида тайёрланди

БУГУНГИ КУНДА тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилган бўлиб, бу борада прокуратура органлари зиммасига ҳам бир қатор вазифа ва масъулият юкланган.

Масъулият

Таъмагирлар узган тадбирлар

тадбиркорларга тўсиқ бўлолмайди

ЮРТБОШИМИЗ 2009 йил 13 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисдаги маърузасидан келиб чиқиб, республика Бош прокуратурасининг Дастури ишлаб чиқилди. Тошкент вилояти прокуратураси томонидан мазкур Дастур ҳамда тегишли ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш уларнинг фаолиятини ташкил этишдаги ҳар қандай сарсонгарчилик, таъмагирлик, бюрократия ва бошқа тарздаги қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида вилоят прокуратураси органларида "007" рақамли ишонч телефонлари ташкил қилинди. Бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали эълон берилиб, жойлардаги ҳокимликлар, давлат солиқ инспекциялари, банклар ҳамда бошқа назорат қилувчи органларнинг биноларида эълон тариқасида бурчаклар ташкил қилинди.

Вилоятда 20368 та фермер хўжалиги, 2125 та деҳқон хўжалиги, 8163та хусусий корхона, 3465 та масъулияти чекланган жамият, 13534 та якка тартибдаги тадбиркор фаолият кўрсатади.

Тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоялаш борасида ўтказилаётган назорат тадбирлари жараёнида айрим мансабдор шахслар томонидан жиддий қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилиб, тадбиркорларнинг манфаатлари поймол қилинаётганлиги аниқланди ва уларга нисбатан қатъий чоралар кўрилди.

Жумладан, 2009 йил 23 март куни Қибрай тумани прокуратурасининг ишонч телефонига хусусий тадбиркор Р.Ибрагимов мурожаат қилиб, туман ҳудудида қум қазиб олаётган вақтида Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси ходимлари келиб, 100 минг сўм пул олишганлигини ва яна 100 минг сўм талаб қилишаётганликларини баён этди.

Туман прокуратураси ва СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг вилоят бошқармаси томонидан 2009 йил 25 март куни Р.Ибрагимовнинг аризасига асосан ўтказилган тезкор тадбирда вилоят табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси давлат инспекторлари Б.Зикриллаев, М.Камоловлар таъмагирлик йўли билан Р.Ибрагимовдан 100 минг сўм пулни пора тариқасида олаётган вақтида ушланди.

Мазкур ҳолат бўйича айбдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан жиноий жавобгарлик белгиланди.

Прокуратура органлари томонидан аниқланган камчиликлар бартараф этилиши ва айбдор шахсларнинг тегишли жавобгарликка тортилишини таъминлаш тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Буни эътиборга олган ҳолда, вилоятнинг барча шаҳар, туман прокуратураларида фуқароларнинг ҳар бир мурожаати алоҳида масъулият билан ўрганилиб, мазмунан ҳал этилиши ва тегишли чора-тадбирлар белгиланиши йўлга қўйилган.

2009 йилнинг 23 апрель куни Янгийўл шаҳар пркуратурасининг ишонч телефонига "Вагфа-Нигора" хусусий фирмаси раҳбари Ш.Раҳимов мурожаат этиб, "Агробанк"нинг Янгийўл шаҳар филиали ходими Е.Симоненко томонидан фирма маблағлари олинганлигини маълум қилади.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида, банк муассасаси томонидан фирмага ажратилган кредит маблағларининг тўлов муддати ўтмаган бўлсада, "Агробанк"нинг Янгийўл шаҳар филиали ходими Е.Симоненко томонидан кредитни ёпиш мақсадида фирма раҳбарининг розилигисиз ҳисоб рақамидаги 6,2 миллион сўм пул маблағи асоссиз равишда ушланганлиги аниқланди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида қайд этилган маблағ фирмага қайтарилиши таъминланиб, Е.Симоненкога нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Ҳозирги кунда Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимиз бўйлаб тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш узлуксиз давом этмоқда. Зеро, тадбиркорлик замирида халқимизнинг турмуш фаровонлиги ва иқтисодий тараққиётимиз барқарорлиги мужассам топган. Мана шундай эзгу фаолият қизғин бир пайтда айрим мансабдор шахслар тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни рағбатлантириш ўрнига, уларга тўсиқ бўлаётганлиги кузатилмоқда.

Масалан, Тошкент вилояти архитектура ва қурилиш Бош бошқармаси мансабдор шахслари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги **"Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги** қарори, **"Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"**ги Низом талаблари қўпол равишда бузилган. Вилоят архитектура ва қурилиш Бош бошқармаси билан тадбиркор У.Тошхўжаев ўртасида тузилган шартномага асосан, Архитектура-режалаштириш топшириғининг 1 ва 2-қисмларини тайёрлаб беришга энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида 500800 сўм ундириш ўрнига 570912 сўм, яъни тадбиркордан 70112 сўм ошиқча маблағ ундириб олишган.

Вилоят прокуратурасида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари бўйича мурожаатлари кўриб чиқилгач, амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида улар хабардор қилинди.

Вилоятдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мавжуд тўсиқларни аниқлаш мақсадида тадбиркорлик субъектлари, давлат бошқаруви ва назорат қилувчи идора ходимлари ўртасида ижтимоий сўров ўтказиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 майда қабул қилинган **"Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида прокуратура органларидан янада кўпроқ масъулият талаб этади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, бу борада қабул қилинаётган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларнинг амалдаги тўлиқ ижро этилишини таъминлаш прокуратура органлари зиммасидаги муҳим вазифлардан бири бўлиб қолаверади.

Бахтиёр ХОЖАЕВ,
Тошкент вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари



Ҳуқуқий тарғибот

Нафақат жиноятчиликнинг олдини олиш

балки тинчлик-осойишталигимиз ва турмуш фаровонлигимиз гарови ҳамдир

МАМЛАКАТИМИЗДА олиб борилаётган барча соҳадаги ислоҳотларни кенг оммага тўлиқ етказиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини фуқароларимиз онгига сингдириш, ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ва юксак ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуришда тарғибот-ташвиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга.

РЕСПУБЛИКА Бош проукурорининг 2004 йил 24 июндаги **"Прокуратура органларининг қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш борасидаги вазифалари тўғрисида"**ги 29-сонли ҳамда **"Прокуратура органларида қонунларни мужассамлаш ишларини юритиш тартиби ҳақида йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида"**ги 52-сонли буйруқлар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти прокуратураси томонидан бир қатор муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Бош прокурорнинг 29-сонли буйруғида **"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида, фуқароларни қонунларга ҳурмат ва қонун устуворлигига ишонч руҳида тарбиялашда иштирок этиш прокуратура органларининг муҳим вазифаси"** деб таъкидлаб ўтилган.

Вилоят прокуратурасининг қонунчилик тармоғидаги фаолиятига оид ишларнинг тўғри ва самарали ўтказилишини таъминлаш мақсадида даврий иш режалари ишлаб чиқилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят прокуратураси органлари томонидан беш мингга яқин тарғибот тадбирлари ўтказилди. Жумладан, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги **"Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори юзасидан вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида кенг аҳоли ўртасида турли учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Бу тадбирларга одам савдосидан жабр чеккан кишилар ҳам таклиф этилди. Айниқса, **"Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"**ги Қонуннинг мазмун-моҳияти барча фуқароларимизни бирдай хушёрликка ундагани шубҳасиз. Бу каби тадбирлар вилоят ҳуқуқ-тартибот идора ходимлари, "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 15 майда қабул қилинган **"Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори бўйича ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишда қонунийликка риоя этилишини таъминлаш, бу борада назорат органлари ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида жорий йилнинг шу даврига қадар 2003 та ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилди.

Вилоятнинг турли ўқув юртларида ва маҳаллаларда ёшлар билан ўтказилаётган ҳар бир тадбир ўзига хос мақсадга эга бўлиб, ёшларнинг ҳуқуқий билим ва тафаккурларини оширишга, баркамол авлод тарбиясига йўналтирилган.

Шунингдек, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, уларга давлатимиз томонидан яратилаётган қонуний имконият ва имтиёзлар борасида олиб борилган тушунтириш ишлари ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Буни вилоятдаги хотин-қизларнинг турли мақсадларда хорижий давлатларга ноқонуний чиқиш ҳоллари кескин камайганлигида ҳам кўриш мумкин.

Халқимизга барча соҳадаги ислоҳотлар ва ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар замиридаги эзгу мақсадни тўлиқ ва тўғри етказиб бера олсаккина, ўз олдимизга қўйган мақсадга эриша оламиз. Зеро, ҳуқуқий тафаккур жиноятчиликнинг олдини олибгина қолмай, тинчлик-осойишталигимиз ва турмуш фаровонлигимиз гаровидир.

Наримон ИЗМУЛЛАЕВ,
Тошкент вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Табиат ва биз

Қоплонга қўйилган қопқон

овчи жиноятини ошкор этди

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг Конституциясида: "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси умуммиллий бойликдир. Улар давлат муҳофазасидадир" деб белгилаб қўйилган. Ушбу конституциявий қоида "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунда ҳам ўз ифодасини топган.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, Бўстонлиқ тумани прокуратураси томонидан туман ИИБ, Давлат бионазорати билан ҳамкорликда тегишли қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш мақсадида махсус тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, Бўстонлиқ тумани вилоятдаги тоғли худудлардан бўлиб, "Ўзбекистон Республикаси Қизил Китоби"га киритилган ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик ва ҳайвонот оламининг махсус қўриқхоналари мавжуд. Бу эса тегишли давлат ташкилотларидан алоҳида бурч ва масъулият талаб этади.

"Хумсон" қишлоғида ўтказилган махсус тадбирларнинг бирида овланиши тақиқланган ҳайвон овчилари фош қилинди. Жумладан, Ш.Худойберганов ноёб ҳайвон ҳисобланган бўрсиқларга қопқон қўйиб, жами 7 дона бўрсиқ овлаб сотган. Унинг уйи текширилганда, сотиш мақсадида сақлаб келаётган 4 дона бўрсиқ далилий ашё сифатида олинди. Текшириш жараёнида ноқонуний овчи Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сонли қарорига асосан, ҳайвонот дунёсига 834.600 сўм, қўшимча жарима билан ҳисоблаганда жами 2.505.800 сўм зарар етказганлиги маълум бўлди. Албатта, давлатга етказилган зарар суд ҳукми билан тўлиқ ундирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва Давлат бионазорат бошқармаси ходимлари ноқонуний ов билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш ва уларга чора кўриш мақсадида узлуксиз назорат тартиби ўрнатган. Жорий йил бошида алоҳида муҳофаза этиладиган Угом — Чоткол ҳудудида ўтказилаётган навбатдаги назорат пайтида ноёб, айни пайтда ачинарли ҳолатга гувоҳ бўлишди.

Қушқўрғон қишлоғи тарафидан Чирчиқ дарёси бўйлаб ҳаракатланаётган С.Эгамбердиевга тегишли автомашина тўхтатилди. Унинг юк хонаси кўздан кечирилганда, қопга солинган ҳайвон териси топилди. Ҳайратланарлиси, ҳайвон териси Халқаро ва республика "Қизил китоб"ига киритилган "Илвирс" тоғ қоплонининги эканлиги маълум бўлди.

Тегишли мутахассисларнинг маълумотига кўра, бир бош "Илвирс" тоғ қоплонининг қиймати 9.315.000 сўмни ташкил этади.

Маълумки, бу бебаҳо қоплон тури энг нодир ва йўқолиб кетиш хавфи остида. Тергов давомида С.Эгамбердиевнинг айтишича, кимдандир тоғда қоплон борлигини эшитади. Кўп вақт излаб, охири уни "қўлга киритишга" эришади. Ачинарлиси, Сайфутдин Исоқиддинович зиёли киши. У қоплон — бебаҳо миллий бойлигимиз эканлигини ҳам яхши билади.

Туман прокуратурасининг даъво аризасига кўра, суд ҳукми билан С.Эгамбердиевдан давлатга етказилган зарар уч баробар миқдорида, яъни 27.945.000 сўм ундирилди.

Она-табиатни асраб-авайлаш, миллий бойлигимиз бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш барчамизнинг маънавий бурчимиздир. Неча асрлар оша бизгача етиб келган бебаҳо бойлигимиз биздан кейинги инсониятнинг ҳам ризқу насибасидир. Шундай экан, келажак авлодга биздан муносиб мерос қолсин.

Қўшпўлат РОМАНОВ,
Бўстонлиқ тумани прокурори



Ҳушёр бўлинг!

Иблис эпплолмайди

Аммо она ва қизнинг маккорлиги...

БУГУНГИ кунда турли кўринишдаги одам савдоси трансмиллий кўлам касб этиб, жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётгани сир эмас. Мамлакатимизда ҳам бу иллатга қарши кураш ва унинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий асослар мавжуд. Чунончи, Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 8 июлдаги Қарорига асосан, Республика идоралараро комиссияси тузилиб, унинг Низоми ва таркиби ҳамда 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланди.

АЙРИМ фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий савод-хонлиги етарли эмаслиги, ўз тақдирига лоқайдлиги ҳеч қандай тубанликдан тап тортмайдиган нафс бандаларига қўл келмоқда. Лекин "бузоқнинг югургани сомонхонагача" деганларидек, одам савдоси каби жирканч "бизнес"нинг йўли қисқа, охири надомат билан тугайди.

Охангарон шаҳарчасида яшовчи Венера Галимованинг чиркин қилмишларини тасаввур қилсангиз, буни иблис ҳам эплолмайди, дейсиз беихтиёр. У текин даромад дардида тузган қабиҳ режасига вояга етмаган қизи Илмирани ҳам шерик қилди. Она-боланинг навбатдаги тузоғига 23 ёшли Нигора илинди. Келишган қизнинг иш излаб юрганини эшитган Венера уни қўлдан чиқармаслик учун аврай бошлади.

— Опамнинг Алмати шаҳрида хусусий ресторани бор. Яқинда ўртоғимнинг қизини юборган эдим. Роса хурсанд, ҳар ойда уйига 500-1000 АҚШ доллари жўнатаётган экан. Лекин иш кўп. Астойдил тер тўкиш керак.

— Ҳар қанча иш бўлса қочмайман. Жон опа менга ҳам ёрдам беринг. — Нигора маккора аёлнинг ёлғон ваъдаларига лаққа ишонди. Хатто кўчада тасодифан танишган аёлнинг кимлиги билан қизиқмадигина эмас, ота-онасининг эътирозига ҳам ўрин қолдирмади.

Шу ўринда савол туғилади. Нигора оқ-қорани таниган, ўрта-махсус билимга эга қиз. Нега у бегона аёл, ўзи учун ёнидан йўл харажатларини тўлаётганлигидан хавфсирамади? Нигорани мўмай пулга Қозоғистон Республикасида яшовчи ҳамтовоғига сотган Венера навбатдаги "қурбон"ини овлашга тушиб кетди... Ўзини Ойгул деб таништирган аёл, Нигора билан "очиқча мулоқот"-га ўтди. Унинг фуқаролик паспортини олиб қўйгач, уйига қамаб қўйди. 2009 йилнинг февралидан март ойига қадар турли тазйиқ ўтказиб, фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаб келди. Алданган қиз уйига қайтишнинг бир иложини топгач, туман ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан Венеранинг жирканч фаолиятига нуқта қўйилди.

Жиноят ишлари бўйича Охангарон шаҳар судининг 2009 йил 22 майдаги ҳукмига кўра, В.Галимова ва унинг қизи тегишли жиноий жавобгарликка тортилди.

Турли кўринишдаги одам савдоси каби жиноят маънавий-ахлоқий қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган разолатдир. Фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, кенг жамоатчилик ўртасида амалдаги мавжуд қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, жиноий жавобгарликнинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг, шу жумладан, одам савдоси билан боғлиқ турли кўринишдаги иллатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Туман прокуратраси томонидан бу борада ҚФЙ раислари, маҳалла фаоллари ва ёшлар ўртасида турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Мақсадимиз жамиятимизда ҳар қандай иллатга асло ўрин қолмасин.

Шуҳрат АКБАРОВ,
Охангарон шаҳар прокурори

Саҳифа материалларини «Инсон ва қонун» мухбири Фарида ҚОРАҚУЛОВА тайёрлади

Тизим тадбирлари

Жамоатчилик алоқалари

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2006 йил 22 сентябрдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Жиззах вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар" мавзуида Пахтакор тумани ҳокимлигида тадбир бўлиб ўтди.

ИШТИРОКЧИЛАР адлия органи билан ОАВ ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, адлия тизими фаолиятига оид материалларнинг сифатини яхшилаш ҳақида фикр алмашдилар. Шунингдек, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, тадбиркорлик субъектлари, хусусий мулк эгалари, хорижий инвестициялар жалб этилган корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилган ишлар билан танишдилар ҳамда ҳуқуқий тарғиботни янада жонлаштириш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Абдумурод ИСАҚУЛОВ,
Пахтакор тумани давлат нотариал идораси катта нотариуси

Барчамиз масъулмиз

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2009 йил 9 мартдаги 59-сон қарори билан замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари тасдиқланган.

УНДА белгиланишича, юридик ва жисмоний шахслар аҳоли пунктидаги бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки фойдаланувчилари, жумладан, ижарачилар ўзларига бириктирилган ер участкаси ҳудудида ободонлаштириш ишларини амалга оширилиши учун масъул ҳисобланадилар.

Жиззах вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Зафарабод туманининг "Лолазор" қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган давра суҳбатида юқорида номи қайд этилган қарор мазмун-моҳияти ва унинг жойлардаги ижроси хусусида сўз юритилди.

Давра суҳбати сўнгида адлия бошқармаси ходимлари томонидан аниқ тавсия ва тушунчалар берилди.

Дилфуза УММАТОВА,
Зафаробод тумани ФХДЁ бўлими мудири

Хавфсиз оналик ва болалик

ҚАШҚАДАРЁ вилоятида бўлиб ўтган тадбир "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг 2009 йил 5 июндаги конференцияси қарори ижросини таъминлаш ҳамда халқаро донорлар куни муносабати билан қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасининг тартибга солинишига бағишланди.

ТАДБИРДА Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги **"Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлаштириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"**ги Фармон ва Олий Мажлис томонидан 2002 йилда қабул қилинган **"Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"**ги Қонуннинг вилоятдаги ижроси ҳақида батафсил фикр юритилди.

Ойдин АНОРОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Мерос ва меросхўр

БУХОРО шаҳридаги Мутал Бурҳонов номли МФЙда 1-сонли давлат нотариал идора нотариуслари, МФЙ раиси ва фаоллари иштирокида "Мерос ҳуқуқи ва меросхўрлар таркиби" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда мерос қонун ва васият қилиш орқали қолдирилиши мумкинлиги, фуқаролик қонунчилигига асосан меросхўрлар қонун бўйича навбатма-навбат мерос олиш йўли билан меросга эга бўлишлари, Фуқаролик кодекси бўйича меросхўрларнинг беш даражаси белгиланган бўлиб, улар қонунга асосан меросни тенг миқдорда бўлиб олишлари, меросхўрларнинг беш даражаси қонун бўйича ворисликнинг навбати эканлиги тўғрисида гапирдилар.

ШУНИНГДЕК, давлат нотариуси мерос ҳуқуқи гувоҳномасини бериш вақтида мерос қолдирувчининг вафот этганлик ҳолатини, мерос очилган ва жойини, гувоҳнома беришни сўраб ариза топширган шахсларнинг мерос қолдирувчи билан қариндош-уруғчилик ёки бошқа муносабатлари мавжудлигини, мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилаётган молмулки таркиби ва турган жойини аниқлаши лозимлиги хусусида тўхталдилар.

Маҳфуза САТТОРОВА,
Бухоро шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси

Қонунлар моҳияти тушунтирилди

ТОШКЕНТ ШАҲАР адлия бошқармаси томонидан "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш" мавзуида Учтепа тумани ҳокимлигида навбатдаги ўқув-семинар машғулоти бўлиб ўтди.

УНДА асосий эътибор маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва қабул қилиш, қонун ҳужжатларини туркумлаштирилган ҳисобини юритиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш тўғри йўлга қўйиш, мазкур масалаларда вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилиш йўл-йўриқларига қаратилди.

Тадбирда **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги Қонун, 2007 йил 24 августдаги Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган **"Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисида"**ги Низомнинг мазмун-моҳияти тадбир иштирокчиларига батафсил тушунтириб берилди.

Зафар ОЛИМОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими

МАЪЛУМКИ, эртамиз давомчилари бўлган келажак ворислари мамлакат аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил этади. Шу боис бола ҳуқуқлари, эркинликларининг қонуний ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиш давлатимиз бош мақсадларидан биридир. 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ҳам юқоридаги фикримизнинг исботидир.

Нигоҳ

Эътиборсиз

УШБУ қонуннинг амалий аҳамияти шундаки, у бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, камситилишига йўл қўймаслик, ўз қадр-қиммати ва шаънини ҳимоя қилиш, жисмоний, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш, бола шахси, унинг илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, болалар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга кўмаклашишдан иборатдир.

Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қўрилаётган чора-тадбирлар ва қабул қилинаётган қонунларнинг барчаси инсон ҳуқуқлари ҳимоясига, шу жумладан, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож, маълум сабабларга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг яшаш шароити, таълим-тарбия олишини ўз зиммасига олган. Масалан, 2008-2009 ўқув йилида кам таъминланган оилаларнинг 486.728 нафар фарзанди биринчи синф ўқувчиларига 5 миллиард 488 миллион 369 минг сўмлик ўқув анжомлари, 677.707 нафар болага 18 миллиард 50 миллион 601 минг 500 сўмлик кийим-кечак берилганлиги, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 11 минг болага Президент совғалари топширилганлиги ана шундай хайрли ишлар намунасидир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишлари ва чора-тадбирлар натижасида, мамлакатимизда сўнгги саккиз йилда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик 19,8 фоизга камайди.

Бола ҳуқуқларига риоя этилишига эришиш, уларга нисбатан адолатли ёндашиш, давлат, жамият, ота-оналар, барча катта ёшдагилар томонидан ёрдам кўрсатилиб, болаларнинг ҳали қонунчилик ва кундалик ҳаётда ўз ўрнини топмаган ҳуқуқларини эътироф этишга ёрдам беради.

Сарвар КАРИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди судьяси

Оила — жамиятнинг асосий бўғини

Отаси бор отасизлар

ёки алимент можароси фарзанднинг бир томчи кўз ёшига арзийдими?

ОИЛА муқаддас даргоҳ. Конституциямизнинг 67-моддасида "Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади" дейилган.

ДАРҲАҚИҚАТ, бизда турли ёшдаги, турли миллат вакиллари ўз ихтиёрлари билан оила қуришлари учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Аммо аксарият оилалар турмушнинг арзимас синовларидан ўтолмай бузилиб кетаётганлигига судлар томонидан ярашиш учун берилаётган муддатлар ҳам, ҳамма нарсани вақт даволайди, деган оддий ҳақиқат ҳам барҳам беролмаяпти. Тўғри, оила қуриш ҳар бир шахснинг шахсий иши. Лекин Конституциямиз кафолатлаб берган **"Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга"** эканлигини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Оила бузилиши ортида фарзандларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий инқирози борлиги жиддий масала. Фуқаролик судларига мурожаат қилаётган аксарият аёлларнинг муаммоси бир хил: У ҳам бўлса собиқ турмуш ўртоқларидан ўз фарзандлари учун алимент ундириб беришларини сўралган мурожаатлардир.

Юртбошимиз саховатли, болажон халқимиздаги бир қатор фазилатларни миллатимизнинг порлоқ келажагига уйғунлаштириш мақсадида мустақилликнинг илк кунлариданоқ озод юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш масалаларини давлат сиёсати даражасига кўтариб, умумхалқ ҳаракатига айлантириш вазифасини қўйдилар. Бу борадаги қатор Фармон ва Қарорлар эртамиз эгаларининг камолоти учун хизмат қилмоқда. Аммо кўнгли ярим бола, мехрга зор ўғил-қиз ҳеч қачон баркамол бўла олмаслигини фарзандларини армонлар гирдобига ташлаб кетган ота-оналар тушунармикин?

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди томонидан кўрилган ушбу ишни оладиган бўлсак, қизилтепалик Зуҳра Срочева ва Фазлиддин Порсоев турмуш қуриб, бор-йўғи олти ой яшади. Ўрталаридаги фарзанд ҳам оила боғида эмас, кўнгиллар қаролигида дунёга келди. Оиланинг бузилишига йигитнинг ота-онаси ва опларининг ҳуда-беҳуда аралашуви сабаб бўлган. Майда гина-кудратлар катталашиб, ҳатто янги дунёга келган фарзанд ҳам вазиятни юмшата олмади. Янги чақалоқни бориб кўриш, она-бола ҳолидан хабар олиш ўрнига бошқа оила қуриб олган ота Конституциямизнинг 64-моддасида белгилаб қўйилган **"Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар"** деган жумлаларини эшитмаганга ўхшайди.

Яна бир алиментчи ота Маъруф Рўзиевни эса икки жаҳон ораси дейиш мумкин. Биринчи турмуш ўртоғи билан икковлари ўртасидаги фарзанд учун алимент тўлаётган бир пайтда, иккинчи турмуш ўртоғи ҳам уйга ҳеч нарса олиб келмаётганлигидан шикоят қилиб, икки фарзанди учун алимент тўласин деб судга мурожаат қилгач масала яна чигаллашди. М.Рўзиев иккиси учун тўланаётган алимент миқдорини камайтиришни сўраб, судга ариза беришга мажбур бўлди.

Судларда кўрилаётган алимент можаролари орасида касаликка чалинган болалар тақдирига дахлдорлари ҳам оз эмас. Фарзандидан бирор марта хабар олиш у ёқда турсин, хатто такрорий чақирилувларга қарамасдан судга келишни истамайдиган оталар ҳам бор.

Оила Кодексининг 103-моддаси 1-қисмига кўра, ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча ҳаражатларда иштирок этиши шарт, деб кўрсатиб қўйилган. Хаста боласи учун ўз отасидан суд орқали ёрдам сўраш бизнинг миллатимиз шаънига муносиб эмаслигини эслатиш оғир, албатта. Аммо, начора.

Яна бир тоифа оила бошлиқлари бор. Улар никоҳни бекор қилиш вақтида алимент учун судга мурожаат қилиш шарт эмас, ўзимиз ўзаро келишиб оламиз, болаларимизга ҳам ўзим мунтазам ёрдам бериб тураман, бошпана ҳам менинг ҳисобимдан, деб ишонтирадию, ўртадаги никоҳ бекор қилингандан сўнг берган ваъдаларини унутади.

Кўп ҳолларда эр-хотин бир-бирига аччиқ қилиб, болаларни эмас, ўзини ўйлаб чиқарилаётган хулосалар фарзандларимиз қалбини жароҳатлаётганлиги уларнинг келажагини барбод қилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Юқоридаги ҳолатларнинг ҳар бири тўғрисида суд тегишли хулосага келиб, отасиз ўсаётган болаларга Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 99-моддаси 1-қисмига кўра, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота (она)нинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва ёки бошқа даромадининг бир бола учун тўртдан бир қисми миқдорида, ушбу модданинг 2-қисмига кўра эса ундириладиган алимент миқдорида ҳар ойда қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаган миқдорда ундирилиши тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилди.

Аммо отаси бўла туриб отасиз болалар тоифасига кираётган, ҳаёт чорраҳаларида мурғак ёшдан ташвишларга елка тутаётган, қийинчиликларга дуч келиб қийналаётган ўғил-қизлар учун ота-меҳри бебаҳо эканлигини эслатишни лозим топдик.

Марат ИШБЕКОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари,
Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ҳурматли юртдошлар !

"Асака" банк (ОАЖ) қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютадаги омонатлар.
1. «Тараққиёт»
Сақланиш муддати 6 ой, омонат бўйича йиллик 24% ҳисобланади. Қўшимча 6% миқдорида бонус ҳисобланади (жами ҳисобланган фоиз 30%)

Хорижий валютадаги омонатлар.
2. «Ёзги» АҚШ долларида.
Сақланиш муддати 3 ой, омонат бўйича йиллик 10% ҳисобланади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун "Асака" банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

	Филиаллар	коди	телефон рақами
1.	Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-14
2.	Автотранспорт филиали	371	120-39-95
3.	Шайхонтоҳур филиали	371	120-84-26
4.	Юнусобод филиали	371	225-16-46
5.	Сирғали филиали	371	258-67-49
6.	Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
7.	Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
8.	Асака филиали	374	233-13-69
9.	Фарҳод филиали	374	226-62-37
10.	Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
11.	Марғилон филиали	373	237-12-37
12.	Олтариқ филиали	373	432-10-11
13.	Қўқон филиали	373	552-61-04
14.	Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
15.	Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
16.	Зарафшон филиали	436	573-18-78
17.	Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
18.	Бухоро шаҳар филиали	365	224-24-29
19.	Самарқанд вилояти филиали	366	231-19-97
20.	Афросиёб филиали	366	234-18-10
21.	Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
22.	Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
23.	Қорақалпоғистон филиали	361	223-72-47
24.	Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
25.	Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
26.	Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

"Асака" банки (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

ХАЛҚИМИЗ ҳаёти оилавий турмуш тарзига асосланган бўлиб, унинг оиладаги вазифаларидан бири фарзанд кўриш ва уни тарбиялаш билан боғлиқдир. Ҳар томонлама етук, қобил фарзандлар эса миллат ва ватанимиз келажагини белгиловчи омилдир.

// Хавотир

Болаликнинг заволи — келажакнинг уволи урмасин

ЎЗБЕКИСТОН аҳолиси тез кўпайиб бораётган мамлакатлар қаторига киради. Ҳар йили 350-400 минг бола дунёга келиб, ўрта ҳисобда 170 мингга яқин оила барпо бўлади. Шунингдек, аҳоли орасида 5 миллиондан ортиқ репродуктив (бола туғиш ёшидаги) аёллар мавжуд бўлиб, уларнинг саломатлиги давлатимиз томонидан муҳофаза этилмоқда. Қолаверса, оналик ва болалик муҳофазаси давлат эътиборидаги масала бўлиб, республика қонунларида бу ғамхўрликнинг ифодасини кўриш мумкин.

Дунёга келган боланинг туғилиш ҳолатини қайд қилиш муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир. ФҲДЁ органлари томонидан амалга ошириладиган ҳужжат катта масъулият талаб қилади. Тартибга кўра, боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, бола туғилган жойдаги ФҲДЁ органида амалга оширилиши лозим.

Туғилганликни қайд этишда боланинг туғилганлиги ҳақида тиббий маълумотнома, ота-она шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва никоҳ гувоҳномаси талаб этилади. Бола ҳуқуқий ҳужжат асосида давлат фуқароси саналар экан, унинг ҳуқуқий манфаатлари қонунлар орқали кафолатланади.

Туғилишни қайд этишда айрим муаммоларга ҳам дуч келинмоқдаки, фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг аксарияти ИИБ томонидан паспорт алмаштирилганида фуқароларнинг никоҳда тургани ҳақида маълумотнинг қўйилмаганлиги ҳолатлари учрамоқда. Яна фуқароларнинг қонуний никоҳидан ажралганлигини тегишли равишда расмийлаштирмасдан туриб, шаърий никоҳ орқали яшаган ҳолда фарзанд кўриш ва ана шу болага нисбатан туғилишни қайд этишда ҳам муаммолар туғилмоқда.

Бундай ҳолларда, масалан, никоҳда бўлмаган онадан туғилган боланинг туғилганлигини қайд этишда, боланинг туғилганлиги ҳақида тиббий маълумотнома, онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат, туғилганликни қайд этишда она шахсан иштирок эта олмаса, унинг ёзма аризаси бўлиши зарур.

Маълумки, ҳар бир аёл она бўлишга ҳақли. Лекин ҳаёт инсон хоҳиш-истагига асосланмаган. Тақдир тақозосига кўра, баъзи аёллар қонуний никоҳдан ўтмай туриб фарзандли бўлади.Бундай болаларнинг туғилганлик ҳолати ФҲДЁ бўлимида ёлғиз она аризаси асосида қайд этилади ва берилган маълумотнома асосида бола давлат томонидан моддий таъминланади.

Ёлғиз она асосида туғилганликни расмийлаштириш 2004-2008 йиллар давомида 12 450 тани ташкил этган. Агар ушбу кўрсаткични йилларга бўлиб ўрганганимизда ёлғиз оналар сони ўсиб борганлигини кўриш мумкин. Бу ҳозирги давр аёлларининг дунёқараши тамомила ўзгарганлиги, яъни ўз вақтида турмуш қура олмай, кексайган чоғида ёлғизланиб қолмаслик мақсадида, никоҳсиз бўлса-да фарзандли бўлишни афзал кўриш каби қарашларида кузатилмоқда.

Шунингдек, ёлғиз она кўрсаткичлари оталикни белгилаш кўрсаткичлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳолатдир. Яъни туғилишни расмийлаштиришда оталикни белгилаш ҳақидаги ариза асосида қайд этишнинг ортиб бориши ёлғиз она сонининг камайишига ўз таъсирини кўрсатади. Ёки аксинча, ёлғиз она сони ортса, оталикни белгилаш сони камайганлиги кузатилади. Аммо, шу нарса аёнки, фарзанд ота-она тарбиясидан баҳра олиб ўсгандагина ўзини бахтиёр сезади.

Ҳозирда ФҲДЁ органлари томонидан аҳоли ўртасида, яъни маҳаллалар, ўқув-таълим масканлари, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари кучайтирилган.

Никоҳни қонуний расмийлаштиришнинг ҳуқуқий афзалликлари тушунтирилиши натижасида келинкуёвлар онгли равишда тиббий кўрикдан ўтмоқдалар.

Оталикни белгилаш ҳақидаги ариза асосида туғилганликни расмийлаштириш 2004-2008 йиллар давомида 17 095 тани ташкил этган. Шу йиллар давомида оталикни белгилаш туғилишга мувофиқ равишда ошиб борган.

Оталикни белгилаш ҳолатлари асосан нимадан келиб чиқади, деган савол туғилиши табиий. Кўпчилик фуқаролар биринчи турмушидан қонуний ажралмасдан, бошқа оила қуриб яшаётганлиги, никоҳдан ажралиш жуда муаммоли масала деган тушунчада бўлиши, келиннинг никоҳ ёшига етмаганлиги, келин ёки куёвнинг паспорти бўлмаганлиги ёхуд паспортнинг амал қилиш муддати ўтиб қолганлиги, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишни "жиддий муаммо, ортиқча даҳмаза ёки шарт эмас" деб баҳона қилишлари отанинг шаърий никоҳда яшаётгани, оиласини моддий таъминлаш мақсадида хорижга узоқ муддатга ишга кетиши каби ҳолатлари сабаб бўлмоқда.

1999 йил 12 апрелдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган **"Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари"**га асосан оталик, боланинг отаси бошқа аёл билан қонуний никоҳда турганлигидан қатъи назар белгиланади. Шу сабабли оталикни белгилашда унинг ҳотинининг розилиги талаб этилмайди. Бундан ҳам кўриниб турибдики, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳуқуқий ҳужжатларда тўла кафолатланган.

Фарзанд умид чироғи, инсон учун энг азиз неъматлардан биридир. Аммо баъзи исонларнинг билиб-билмай босган қалтис қадамлари, ўйламай қилган хатолари оқибатида эндигина дунёга келган фарзандлар жабр кўради. Ота-онасининг аччиқ хатоси, раҳмшафқатсизлиги боис ташлаб кетилади.

2005 йилнинг 25 июлида Чилонзор мавзесидаги 3-уй эшиги олдига ва ўша йилнинг 23 октябрида Алгоритм даҳасидаги 1-уй йўлагига ташлаб кетилган чақалоқлар, 2008 йилнинг 26 февралида "Фарҳод" бозори ёнидаги дорихонага бир зумга кириб чиқишни баҳона қилиб, икки ойлик чақалоқни бегона фуқаро қўлига тутқазиб, ўзи кўздан ғойиб бўлган онани бунга мисол қилиш мумкин.

Бу мурғак чечакни дунёга келтириб, ниҳол унмай туриб, умрини хазон қилишдан аввал ота-оналар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришса, мақсадга мувофиқ бўларди. Тўғри, ота-она меҳридан мосуво бўлган фарзанддан давлат ўз ғамхўрлигини аямайди. Уларнинг ўксимай яшашлари, фаровон турмуш кечиришлари учун юртимизда барча шарт-шароитлар мужассам. Аммо ота-она меҳрини туйиб яшашнинг ўзи бахт. Ахир болалар билан ҳаётимиз болдан-да ширин турмушимиз гўзал, орзуларимиз порлоқ.

Гулнора ИНОМЖОНОВА,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими,
юридик фанлари номзоди

Суд-экспертиза тадқиқотлари

ДНК экспертизаси

янги босқичда

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Замонавий молекуляр генетик услубларга асосланган одам ДНКси суд-биологик экспертизаси энг оғир ва мураккаб жиноятларни фош этишнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Айниқса, хуфиёна содир этилган жиноятлар бўйича жиноятчи ва жабрланувчининг шахсини аниқлаш, муаммоли фуқаролик низоларни ҳал қилиш учун бу экспертизанинг аҳамияти беқиёсдир.

Ўз таркибида ДНК молекулаларини сақлайдиган ҳар қандай одам биологик материаллари, жумладан, қон, маний, сўлак, сочлар, тўқималар, органлар, бўлакланган тана қолдиқлари, оғиз бўшлиғидан олинган суртма, ажратмалар, қон ва тана ажратмаларининг қуриб қолган излари, тишлар, аборт қилинган материал, мурда объектлари, суяклар ва суяк фрагментлари, юмшоқ тўқималар одам ДНКси суд-биологик экспертизаси объектлари ҳисобланади.

"Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси" лабораториясида номаълум тана қолдиқларини идентификация қилиш, қон, сперма, сўлак, соч, тўқималар, органлар, тана бўлаклари ва бошқаларни маълум бир шахсга ёки бир неча шахсга тегишлилигини, биологик изларнинг жинс мансублигини, одам ДНКси генотипини аниқлаш масалалари муваффақиятли ҳал этилади.

ДНК экспертиза боланинг биологик ота-онасини аниқлаш, ота ёки она авлоди бўйича яқин ёки узоқ қариндошликни аниқлаш, биологик эгизакларни белгилаш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича ҳам юқори самарасини кўрсатди.

Инкор этиб бўлмайдиган далилларни олиш масаласида ДНК экспертизанинг имкониятларини бу турдаги тадқиқотларга эҳтиёж тобора ўсиб бориши кўрсатмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ярмида 1200 дан ортиқ тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, бу кўрсатгич 2008 йил мобайнида ўтказилган тадқиқотлар сонидан ошиб кетди.

"Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси"нинг янги лабораториясини ишга туширилиши республикада қонунийлик ва одил судловни таъминлаш воситаси сифатида суд-экспертизасига берилаётган эътиборни яна бир бор намоён этди. Тубдан янгиланган лаборатория ушбу мураккаб экспертиза тури учун дунёда қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб беради. Лаборатория энг мураккаб тадқиқотларни ўтказиш учун зарур барча анжом ва мосламалар билан жиҳозланган.

Алоҳида лаборатория янги мосламаларининг имкониятлари кескин ошганлигини айтиб ўтиш зарур. Масалан, 2000 йилдан фойдаланилаётган "ABI PRISM 377" русумли секвенатори ёрдамида фақат ядро ДНКси тадқиқотларини амалга ошириш мумкин бўлиб, битта анализ 7-8 соат вақтни талаб қилади. 2009 йилда олинган "ABI PRISM 3130XL" русумли секвенаторда текширув жараёни бир соат ичида бажарилиб, бунда митохондриал ДНК ва Y-хромосома тадқиқотлари ҳам ўтказилади. Ашёвий далилларни текшириш учун қўлланадиган усул ва услубиётлар жаҳон амалиётида энг юқори кўрсаткич ҳисобланган, яъни 70 миллиард таққослов бўйича 1 та мос келишлик даражасида ишончли хулосалар беришга имкон яратади. Ваҳоланки, бутун ер юзидаги аҳолининг умумий сони 6 миллиардан бир оз кўп.

Лабораторияда ёш, иқтидорли мутахассислар хизмат қилмоқда. Уларнинг аксарияти Европа ва АҚШнинг етакчи криминалистик муассасаларида тажриба ошириб келган малакали экспертлардир.

Эришилган ютуқлар билан чекланмай, лабораторияда одам ДНКси экспертизасининг янги услубларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштиришга қаратилган геном технологиялари ва этногеномика масалаларига оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб рецидив, уюшган ва халқаро жиноятчиликка қарши курашнинг кучли воситаси ДНК бўйича маълумотлар базасини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Саттор ОТАХЎЖАЕВ,
Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази бошлиғи

// Нигоҳ

Талабалар талқини

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асари ТДЮИ талабалари томонидан ҳам чуқур ўрганилди ва улар мазкур асар юзасидан рисола чоп этдилар.

БУГУНГИ кунда дунё давлатларини бирдек хавотирга солиб турган молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон молиявий-иқтисодий тизимининг мустаҳкам эмаслиги ва унда жиддий нуқсонлар мавжудлигини кўрсатди. Кўпгина давлатларда 2008 йил якунлари бўйича иқтисодий ўсиш тўғрисидаги башоратлар саробга айланиб қолди. Дунё жамоатчилиги нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муаммолар хавф-хатарларига ҳам рўпара келмоқда.

ВУЖУДГА келган шундай оғир вазиятда Ўзбекистон ҳам ўзининг стратегик йўналишини белгилаб олди. Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асари 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирозининг вужудга келиш сабаблари, унинг жаҳон ва миллий иқтисодиётга салбий таъсири, бу вазиятдан чиқиш йўлларини топиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш ютуқлари ва ҳозирги мавжуд шароитнинг назарий ва амалий таҳлилига бағишланган.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз томонидан "Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбек модели" номи остида миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг беш тамойилдан иборат ўзбек модели ишлаб чиқилган эди. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, истиқлолнинг илк йилларида ишлаб чиқилган иқтисодий сиёсат бугунги беқарор вазият етказадиган талафотлардан миллий иқтисодиётимизни асраб қолди. Вужудга келган муаммолар ва қийинчиликларга қарамай, 2008 йилда республикамиз иқтисодиётининг барқарорлиги таъминланди. Юртимизда эришилаётган ютуқлар дунё жамоатчилигини бефарқ қолдираётгани йўқ. Буни Президентимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодига инқирозига бағишланган китобининг турли давлатлардаги тақдимотлари ҳам кўрсатиб турибди. Ушбу рисола юртимизда ҳам, айниқса, ёш олимлар томонидан чуқур ўрганилиб, улар тафаккурига қанот бўлмоқда.

Ёш ҳуқуқшунослар – Ж.Юлдашев, Д.Ҳусаинов ва О.Файзиевлар томонидан тайёрланган **"Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: кеча ва бугун"** номли рисола ҳам айнан Президентимиз китобидан илҳомланиб яратилгандир. Унда тобора авж олиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг тарихий ва замонавий кўринишлари, бугунги ҳолати, инқирознинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари, унинг халқаро миқёсдаги кўлами ва унга қарши курашда халқаро ҳамкорлик, Ўзбекистоннинг инқирозга қарши "иммунитети" сифатида шаклланган, яъни тараққиётнинг "ўзбек модели"ни ҳаракатлантираётган мавжуд ҳуқуқий базанинг таҳлили, банк соҳасидаги ислоҳотларнинг мамлакатимизда жаҳон

иқтисодий инқирози салбий оқибатларининг олдини олишда самарали восита эканлиги каби муҳим масалалар ўз аксини топган. Шунингдек, рисолада халқаро ҳамжамиятнинг Президентимиз китобига муносабати, у тўғридаги фикрларнинг умумлашма тарзида келтирилганлиги, энг қувонарлиси, мазкур асарни ўрганиш юзасидан схемалар ишлаб чиқилганлиги китобнинг мазмунини анча бойитади.

Ўйлаймизки, ёш ҳуқуқшуносларимиз томонидан тайёрланган мазкур илмий-оммабоп рисола жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юзасидан ҳуқуқий ва иқтисодий билимингизни бойитишга хизмат қилади.

Миродил БАРАТОВ,
юридик фанлари доктори

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗДА ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий корхоналар барпо этиш, қишлоқда, аввало ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш сифатини ошириш, қишлоқ аҳолисининг манфаатларини яна ҳам тўлиқроқ таъминлаш бугуннинг энг муҳим масаласига айланган.

2009 йил — "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"

Тараққиёт ва фаровонлик

қишлоқдан бошланади

ДАВЛАТИМИЗ раҳбарининг **"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисида"**ги Қарорида қишлоқ ҳаётига оид норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, қишлоқ қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш асосида қишлоқдаги турмуш сифатини ошириш, маҳаллий шароитда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқлардаги мавжуд энергия ва газ таъминоти объектларини реконструкция қилиш, саноат ишлаб чиқариш ва қурилишни янада жадал ривожлантириш, шу асосда энг аввало, ёшларни ишга жойлаштириш орқали аҳолининг даромадлари ва фаровонлиги оширилишини таъминлаш каби муҳим вазифалар кўрсатиб ўтилган.

Дастурда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг иштироки ҳам бевосита белгиланди.

Унга кўра, Адлия вазирлиги томонидан Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва бошқа мутасаддди ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда 2009 йилнинг 1-ярим йиллигида қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, юқорида санаб ўтилган ташкилотлар билан ҳамкорликда **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, қонунлар, Президентимизнинг қишлоқ жойларда лойиҳалаштириш ва қурилиш тизимини тубдан такомиллаштиришни назарда тутувчи Фармон ва қарорлари, Ноқишлоқ хўжалиги учун ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низомлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, буларнинг барчаси Давлат дастури ижросини таъминлашда Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор ва мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалга оширилган ишларнинг бир қисми бўлиб, вазирлик ўз ваколати доирасида Давлат дастурининг жами 26 та тадбирида фаол иштирок этмоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган хайрли ва эзгу ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, бугунги кунда қишлоқларимиз фаровонлиги мамлакатимиз равнақи ва тараққиёти йўлида қўйилаётган пойдевор бўлиб хизмат қилади. Зеро, мамлакат камоли қишлоқлар жамолида акс этади.

Бобур ШОЁҚУБОВ,
Адлия вазирлиги Кадрлар бошқармаси бўлим бошлиғи

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Яккасарой тумани 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига;
Тошкент вилояти адлия бошқармаси Пскент туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идораси нотариуси лавозимига;
Наманган вилояти бошқармаси Косонсой тумани давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига;
Жиззах вилояти адлия бошқармаси Арнасой тумани давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома;
7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қаридан кўчирма.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида тегишли адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси телефонлари: (8-371) 269-14-45, 262-70-41.
Тошкент вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8-371) 253-84-30, 280-51-03.
Наманган вилояти адлия бошқармаси телефони: (8-369) 226-26-73
Жиззах вилояти адлия бошқармаси телефони: (8-372) 771-64-73

Тошкент вилояти адлия бошқармаси ва жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди жамоаси Тошкент вилояти адлия бошқармасининг меҳнат фахрийси

Эргаш ХОЛМАТОВнинг

вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2009 йил 24 июндаги қарорига асосан Тошкент вилояти, Паркент туманида хусусий амалиёт билан шуғулланган нотариус Муҳамедов Турғун Эшматовичнинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тугатилди.

1999 йил 31 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган Осиё кураш иттифоқи фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 28 майдаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 396-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва штамплар ҳақиқий эмас деб топилсин.

"Қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш маркази" (Гув.№89), "Спентекс Тошкент-Тойтепа" чет эл корхонаси касаба уюшма қўмитаси (Гув.№511), шунингдек, Ўзбекистон "У-ШУ" (КУНГ-ФУ) миллий Федерацияси (Гув.№116), Ўзбекистон Геология илмий ассоциацияси (Гув.№166), "Аёл ва саломатлик" уюшмаси (Гув.№151) Тошкент вилояти бўлимлари устав фаолиятлари бошқарманинг 2009 йил 30 июндаги 5-сонли ҳайъат қарори билан тугатилганлиги боис, уларга берилган гувоҳномалар, уставлар, бурчак штамплари ва юмалоқ муҳрлар ҳақиқий эмас деб топилсин.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар
Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-615. Тиражи — 15955. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00 [1] — тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
1 2 3 4 5 6 7